

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2017 йил
18 ноябрь
ШАНБА

№ 93 (13041)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

СУВ ТАЪМИНОТИ ВА СУВ ЧИҚАРИШ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва аҳоли сонининг ўсиб бориши ичимлик сувига юқори талабни, ундан оқилона фойдаланиш заруратини, шунингдек, республиканинг сув ресурслари чекланган шароитда замонавий сув тежамкор технологияларни жорий этишни тақозо қилади.

Шу билан бирга, тўпланиб қолган тизимли муаммо ва камчиликлар дебитор қарздорлиқни камайтиришга, тўлов интизомини мустаҳкамлашга ва тармоқнинг янада ривожланишига тўсиқ бўлмоқда. Жумладан:

Биринчидан, сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, сарфлаш ва истеъмол қилишни ҳисобга олиш тизимининг амалда мавжуд эмаслиги, оқибатда унинг етказиб берилиши, тўловлар ўтказилиши ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилиги таъминланмапти;

Иккинчидан, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан, жумладан менежмент ва дебитор қарздорлиқ ундирувини ташкил этиш масалаларининг самарасиз бошқарилиши тармоқнинг тўлиқ зарар билан ишлашига олиб келмоқда;

Учинчидан, водопровод ва канализация тармоқлари, сув таъминоти объектларининг эскирганлиги, кўпчилигидан қирқ йилдан ортиқ фойдаланилиши, шунингдек, уларни янгилаш ва модернизация қилиш суръатининг пастлиги, айниқса, жойларда кўп

исрофгарчилик ва аварияларга, сувни етказишда катта йўқотиш ҳамда узил-пишларга олиб келмоқда;

Тўртинчидан, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотларининг электр энергияси учун қарздорлиги юқори даражада;

Бешинчидан, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари ходимларининг касбга тайёргарлик даражаси паст, малакали кадрлар тизимдан чиқиб кетган, ушбу соҳадаги ходимлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатлари мавжуд.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича таъсирчан чораларнинг қўрилмаслиги аҳолини сув билан барқарор таъминлаш масаласини хавф остига қўяди, сув ресурсларидан ўта ноқилона фойдаланилишига олиб келади ва замонавий сув тежамкор технологияларни жорий этишга тўсқинлик қилади.

Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида бошқарув тизимини, назорат ва ҳисобга олиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Махбурий ижро бюросига (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

судан ноқонуний фойдаланиш, водопровод ва канализация тармоқлари-га ўзбошимчилик билан улаиш ҳолат-

ларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

сув учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

сув истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимини жорий этиш жараёнини мониторинг қилиш;

сувни сотиш ва истеъмол қилишнинг ҳисобини юритишда иштирок этиш.

2. Белгилансинки, Бюро ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5059-сон Фармони 4-бандида назарда тутилган ҳуқуқлар берилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида:

а) Бюро қуйидагилар учун жавобгардир:

сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

судан ноқонуний фойдаланиш

ҳолатларини, шунингдек, бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган сув ҳажми ва тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган ҳажм ўртасидаги тафовутларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

аниқланган тафовутларни бартараф қилиш механизми бўйича тақлифлар киритиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

б) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги қуйидагилар учун жавобгардир:

водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан тузилган шартномаларга мувофиқ сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатилишини, истеъмолчиларга сув барқарор етказилишини таъминлаш;

водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати ҳажмлари ҳақидаги ҳисобот ҳамда ахборотлар, дебитор ва кредитор қарздорлик тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги;

водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан сув таъминоти объектлари, водопровод ва канализация тармоқларининг ҳолати, эксплуатацияси ва уларга таъмирлаш хизмати кўрсатилиши устидан назоратни таъминлаш;

Давоми 2-бетда. ➡

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БАКАЛАВРИАТИГА КИРИШ ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини такомиллаштириш, ёшларга замонавий талаблар асосида таълим бериш бугунги куннинг асосий масалаларидан биридир. Бу борада олий таълим муассасаларига кириш тест синовларини адолатли, ҳолис ва шаффоф ўтказиш орқали пухта билимли ёшларнинг ўқишга қабул қилинишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Лекин бугунги кунда тест синовлари орқали олий таълим муассасалари бакалавриати талабаларини қабул қилишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Жумладан, кейинги йилларда тест синовларини ўтказиш тартиб-қоидалари, тест синовлари натижаларини эълон қилиш ва уни такомиллаштириш борасидаги олиб борилаётган ишлар бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бера олмаяпти. Бу ҳол манфаатдор жамоатчиликнинг, айниқса, ота-оналарнинг тест синовларини ўтказиш жараёнига ҳақли равишдаги эътирозларини келтириб чиқармоқда ва ҳар йили уларнинг ушбу масала юзасидан қарийб 4 мингдан зиёд асосли мурожаатлари келиб тушмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кириш тест синовлари топириқлари ва уни ўтказиш талаблари қобилиятли ёшларни олий таълимга қабул қилиш мезонларига тўла жавоб беради. Айниқса, ижодкорлик ва индвидуал маҳоратни талаб этадиган маданият, санъат, дизайн, тасвир ва амалий санъат, санъатшунослик, мусиқий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига иқтидорли ёшлар ўрнига, ушбу соҳаларда етарли иқтидорга эга бўлмаган ёшлар тест синовлари орқали ўқишга қабул қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кириш тест синовлари топириқлари ва уни ўтказиш талаблари қобилиятли ёшларни олий таълимга қабул қилиш мезонларига тўла жавоб беради. Айниқса, ижодкорлик ва индвидуал маҳоратни талаб этадиган маданият, санъат, дизайн, тасвир ва амалий санъат, санъатшунослик, мусиқий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига иқтидорли ёшлар ўрнига, ушбу соҳаларда етарли иқтидорга эга бўлмаган ёшлар тест синовлари орқали ўқишга қабул қилинмоқда.

Республика олий таълим муассасаларига кириш учун тест синовларини ўтказишнинг моддий-техника таъминоти билан боғлиқ масалаларни ҳам бутунлай қайтадан кўриб чиқиш тақозо этилмоқда. Зеро, бугунги кунда тест синовлари натижалари 2000 йилда харид қилинган 4 та оптик сканер орқали чиқарилиши, тест материалларини чоп этишга мўлжалланган офис техникаси (принтер ва компьютерлар) маънавий таълимий ҳижатдан эскириб кетганлиги оқибатда тест синовлари натижалари қарийб 15-20 кунга қўзилиб эълон қилиниши бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш учун олий таълим муассасаларининг бакалавриати-га қабул қилиш бўйича ўтказиладиган кириш тест синовларини такомиллаштириш, унинг адолатли, ҳолис ва шаффоф ўтказилишини ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Давлат тест маркази деб аталади)нинг олий таълим муассасалари бакалавриати-га ўқишга қабул қилиш (кейинги ўринларда олий таълим муассасасига қабул қилиш деб аталади) бўйича кириш тест синовларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш юзасидан қуйидагиларни назарда тутуви тақлифлари маълум қилансин:

Давоми 3-бетда. ➡

Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгазининг навбатдаги XXVI сессиясини чақириш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ

КАРОР ҚИЛАМАН:

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгазининг навбатдаги XXVI сессияси 2017 йил 25 ноябрь кунни соат 16.00 да чақирилсин.

Вилоят ҳокими в.б. **Ф. ИБРАГИМОВ**
2017 йил, 16 ноябрь

БУНЁДКОРЛИК — БОШ ВАЗИФАМИЗ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлган каби вилоятимизда ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Миллий ва замонавий услубда барпо этилаётган маданий-маиший иншоотлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, намунавий уй-жойлар, ишлаб чиқариш объектлари, кенг ва раван йўллар шаҳару қишлоқларимиз чиройига чирой қўшаётди.

Жараён



— Қишлоқларимизнинг шаҳар билан бўйлашаётгани, умуман, барча соҳада юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар одамни шоширади, янада фаол бўлишга ундайди, — дейди "Нуроний" жамғармасининг Оққўрғон тумани бўлими раиси Холмурод Алланазаров. — Аҳолига қулайлик яратиш, узоғини яқин, оғирини енгил қилиш каби эзгу мақсадлар йўлида амалга оширилаётган бу борадаги ишларнинг барчаси, аввало, юртимизда ҳукм

Давоми 3-бетда. ➡

МАЪНАВИЯТИМИЗ ЖИЛОЛАРИ

Ёшларга, хотин-қизларга кийиниш маданияти ҳақида кўргазмали маслаҳат бериш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Нафосат — 2017" кўрик-танловини ўтказиш режалаштирилган эди. Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар

Нафосат — 2017

Дейлик, ортиқча безаклардан холи, содда, бежирим, ҳушбичим кийимдаги латофатли хотин-қизлар кимнинг кўзини қувнатиб, дилини яйратмайди дейсиз? Лекин, бу кўриниш тўй-ҳашам, тантанали тадбирларда бир оз нуқулдек кўринади. Шунингдек, уй ишини бажарётган бекалар шохона либосда юрса, ёки аксинча, ўзига қарамай, палапартиш кийинган аёлларни дидсизликда айбашлар табиий.

Баъзан, ўзини ўта замонавий ҳисоблаб, одоб-ахлоқ мезонидан чиқиб кетаётган қизу жувонларнинг очик-сочик, бачкана кўринишлари дид-фаросатли ҳар қандай кишининг дилини хуфтон қилиши ҳам бор гап. Чунки, кишини маданиятидан йироқ кимсаларнинг табиати ҳам таъки кўринишига қараб ўзгариши мумкин. Зеро,



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

атрофидагиларнинг фикри билан қизиқмайдиган, фақат ўзини ўйлайдиганларда манманлик, худбинлик, беписандлик, лоқайдлик иллатлари шаклланиб боради. Маънавиятимизга дахл қилувчи бу каби ҳолатлар жамиятга зарар кел-

тирмайди, деб айта олмаймиз.

— Жамият тараққиётига дахлдор ёшлар тарбиясида хотин-қизларининг кийиниш маданияти муҳим аҳамиятга эга, — дейди тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими ўринбосари, хо-

тин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. — Айниқса, ҳозирги глобаллашув жараёни миллий-маънавий қадриятларимизга эътиборни янада қучайтиришимиз кераклигини кўрсатмоқда.

Давоми 4-бетда. ➡

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

ФАХРУ ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

1992 йил 18 ноябрь мамлакатимиз ҳаётида унутилмас кун, истиклол китобининг ёрқин саҳифаси сифатида тарихимизга муҳрланди. Айни шу санада юртимизда "Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи тўғрисида"ги Қону

қабул қилинди. Унда мустақил Ватан байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзи эканлиги, халқаро муносабатларда у Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлиши белгиланган.

юрган барча мамлакатларда ҳилпираб турганида кўнглимиз ифтихорга тўлади. Бошдан-оёқ кўк, оқ, яшил рангдан иборат самолётларимиз парвозини қўрганда, халқаро майдонларда спортчиларимиз шарафига байроғимиз кўтарилганда кўзимиз қувнайди, қаддимизу қадримиз ўсади.

Қонунга кўра, байроғимиз байрам кунларида Қорақалпо-

ғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорлари билан белгиланган марказий кўчалар, майдонлар, бошқа жамоат жойлари ва тегишли объектларга, президентлик ва парламент сайловлари ёки референдум кунлари овоз бериш бино ҳамда хоналарига ўрнатилади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республика-

сининг Давлат байроғи унга нисбатан лозим даражадаги ҳурмат таъминланган ҳолда умуммиллий байрамлар ва тантанали тадбирлар, халқаро муносабатлар фестиваллар вақтида кўтарилиши мумкин.

Қадимда улуг аждодларимиз давлат рамзи учун жон фидо қилганлар. Мисол учун, бешафқат мўғул босқинчилари ватандошимиз Нажмиддин

Кубродан юрт байроғини юлиб олиш чорасини тополмай, охири унинг қўлини кесишгани ҳақида маълумотлар бор. Давлат рамзлари ана шундай асраб-авайланади, керак бўлса, жонлар эвазига ҳимоя қилинади.

Ишонамизки, бугунги ва келгуси авлод байроғимизга қутиланган зиеда эҳтиром кўрсатади, кўз қорачиғидай асраб, тоабд ҳурлигимиз рамзи сифатида ҳилпираб туришини таъминлайди.

Шайра БОЗОРОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

